Тошкент ҳақиқати

1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

№ 105 (10.354).

1992 йил
14 июль
сешанба

Баҳоси 2 сўм.

ХЕЛЬСИНКИДАГИ ЕҲҲК КЕНГАШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

И. КАРИМОВ нутқи



Муҳтарам Раис жаноблари!

Хоним ва жаноблар — аъло хазратлари!

Давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кенгашида Ўзбекистон Республикаси делегацияси иштирок этишини давлатимиз мустақиллигини қарор топтириш йўлидаги жуда муҳим босқич деб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф қилган халқчил меъёрларига содиқлигимизнинг, халқаро ҳамжамият хавфсизлик ва ҳамкорлик қоидалари негизига қурилишига зўр иштиёқимизнинг яна бир исботи деб биламиз.

1992 йил мартида Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирди. Ҳозиргача Ўзбекистонни дунёнинг 120 та мамлакати тан олди. Улардан қирқтаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида битимлар имзоланди, шуларнинг ярмига яқини — Европа мамлакатларидир.

Буни биз Европа ҳамжамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси ўтказаётган йўл қўлланилишининг ифодаси деб биламиз. Бизнинг йўлимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий насаби ва мақомидан қатъи назар барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган.

Мустақил Ўзбекистон бир идеологиянинг, бир партиянинг ҳукмронлигини, бир-бирўқбозлик-маъмуриятчилик, тақсимотчилик тизими асосига қурилган иқтисодни рад этиб, ўзбек халқининг ҳам, Европа ва бошқа қитъалар халқларининг ҳам тарихий тараққиёт тажрибасини уйғун равишда бирга қўшадиган йўлни танлаб олди.

Биз эркин бозор, ишбилармонлик, барча шаклдаги мулкчиликнинг тенглиги, халқаро ҳамжамият учун очиқлик йўлини танлаб олдик, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларини ҳимоя қилиш шаклларини, ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, тили ва маданияти, ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари ҳамда улар ҳурмат қилиниши йўлини танлаб олдик, бу йўл айни инсон жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи омилларини эътиборга олишга асосланади.

Бу қадар мўътабар анжуманда Ўзбекистоннинг овози биринчи бор янграмоқда. Айни шу боисдан ҳам биз овозимизни аввал бошдан халқимизнинг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган эзгу орзулари ифодаси деб тушунишларини истаймиз. Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш билан Париж хартиясининг асосий қоидаларини, Умумевропа хонадонини барпо этиш тажрибасидан келиб чиққан қоидаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ҳозир мен эътиборингизни Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕҲҲК)нинг у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, таъбир жоиз бўлса шундай можароларга йўл қўймаслик жараёни муаммолари билан шуғулланувчи механизмини вужудга келтиришни жадаллаштириш масаласига қаратмоқчиман. Бу механизм аввало ҳудудий ва миллий асосда вужудга келадиган бирон-бир можарога халқаро, минтақа ва маҳаллий ташкилотларнинг эътибори ҳамда кучларини ёнғин аланга олмай туриб тўла жамлаш имконини берган бўлур эди, зеро можаронинг ловуллаб турган ёнғинини кейин, айниқса кўп киши қурбон бўлганидан сўнг, одамлар бошига мусибат тушган, вайронагарчилик ва тартибсизлик, бошланганидан кейин ўчириш ва тугатиш учун жуда катта маблағ ва куч сарфлаш керак бўлади.

Одамлар ғазабга келганидан кейин уларда эзгулик ва адолат, одамийлик ва инсонсеварлик туйғуларини тиклаш жуда қийин ва деярли иложсиз бўлиб қолади. Қорабоғдаги ва бошқа жойлардаги можаролар беҳосдан бошланмаганини ҳаммамиз биламиз. Бир-бирига мутлақо ўхшаш бўлган, бинобарин, бир хил тарзда ҳал этиладиган можаролар йўқлигини англаб турибмиз. Бироқ ҳаммамиз учун муштарак сайёранинг айрим минтақаларини ларзага солаётган барча можароларнинг илдизлари ва табиати ўхшашлигига аминмиз.

МДҲдаги кўпгина ёш мустақил давлатлар, Югославия ва бошқа мамлакатлар мисолида бунинг анчагина далилларини кўриб турибмиз.

Ўрта Осиё минтақасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй бериши мумкин, бу ерда четдан баттоллик ва мутассибликни авж олдиришни тарғиб қилувчи ақидапарастлик пайт пойлаб турибди. ЕҲҲКнинг янги ёш аъзоларидан бири — қўшнимиз Тожикистон мисолида шу нарса кўриняптику, ахир. У ерда ҳозирнинг ўзидаёқ инсон бошига тушган кулфатни, баттоллик ва муросасизлик қурбонларини кўрсатувчи кўпдан-кўп мисоллар мавжуд.

Бироқ, афсуски, халқаро афкор омма ва ахборот воситалари нечундир бу масалани четлаб ўтмоқда. Айни номатлуб оқибатларнинг олдини олиш мақсадида Миттеран жаноблари билан Гонсалес жанобларининг тинчлик ва ҳамкорликни таъминлайдиган барқарор куч тузиш тўғрисида бу ерда айтган таклифларини бизнинг минтақамизда рўёбга чиқариш ғоят долзарб вазифадир.

ЕҲҲКнинг ҳамкорлик ва хавфсизликка оид ҳужжатлари таъсирчанлиги ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ўз вақтида қабул этилишига боғлиқлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бу ҳужжатлар қайд этувчи руҳда бўлмай, балки олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлгани яхши. Шу жиҳатдан олганда, ЕҲҲКнинг оз сонли миллатлар бўйича олий комиссари таъсис этилиши жуда ўз вақтида қилинган ишдир.

Ҳозир бутун дунё ва у билан бирга Европа ҳам тараққиётнинг янги босқичига — бирлашув босқичига қадам қўймоқда. Бу босқич миллий маданият — технология, экология, иқтисодиёт, ҳуқуқ, умуман маданиятнинг янада равнақ топишига кўмаклаша олган бўлур эди. Айни оқилона бирлашув миллий маданиятларнинг башар маърифати ягона манбаидан ўзаро баҳраманд бўлиши ва бир-бирини бойитиш учун мустаҳкам омилларни вужудга келтиради.

Иқтисодиёт ёки технология тараққиётининг турли даражасида турган халқлар ва давлатлар бирлашув босқичига қираётганликлари табиийдир. Бу тафовут воқеликдир, бинобарин у ўзўзидан йўқ бўлиб кетади, деб фараз қилиш соддалик бўлур эди. Бундан келиб чиқадиган аниқ вазифа шуки, биз ҳаммамиз ЕҲҲКда қатнашувчи давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур.

ЕҲҲК қоидалари бутун Европа-Осиё қитъасига ёйилаётган жараёнда Хельсинки битимларини рўёбга чиқариш механизми ҳозирнинг ўзидаёқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон янги давлатларини ўзичига олади. Ҳеч муболағасиз беҳисоб табиий-иқтисодий ресурсларга эга бўлган бу бадавлат ўлка ҳозир дунё давлатлари ва савдо-саноат доираларини дадил лойиҳаларни рўёбга чиқарса бўладиган минтақа тарзида ўзига жалб этмоқда.

Стратегик жиҳатдан бу минтақа шарқ билан ғарбни боғлайдиган ўзига хос бир халқа бўлиб қолиши мумкин. Тошкент давлатлар ўртасида мол, сармоя, хомашё ва иш кучи ўзаро ўтказиб турилади ган ўзига хос минтақа марказига, иқтисодиёт, маданият, сиёсат, хавфсизлик соҳасида миллий манфаатлар жамланган жойга айланишини жуда ҳоҳлар эдик. Ўтмишда Тошкент буюк ипак йўлидаги савдо марказларидан бири сифатида шундай аҳамиятга эга бўлган эди.

Ўзбеклар диёрининг буюк алломалари — Беруний, ал Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек юлдузлари Европадаги илм-фан осмонида порлаган эди. Европалик буюк сайёҳ Марко Поло, машҳур француз маърифатчиси Монтескье ўзбеклар диёрига бағишлаб асарлар ёзишган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Осиё ва Европадаги бир қанча мамлакатларнинг ҳамкорлиги билан бу соҳада жуда жиддий амалий қадамлар қўйилди. Собиқ ипак йўли бўйлаб коммуникациялар ва алоқаларни, ҳаво, темирйўл ва тош йўллардаги қатновни ривожлантириш, ҳар томонлама маданий ҳамкорликни авж олдириш учун сарфланаётган куч-ғайратларни ҳам назарда тутаяпман. Мана шу ишларда кўпгина мамлакатларнинг эзгу хоҳиш-иродаси нақд бунёдкорлик натижаларини бермоқда.

Ҳозир ҳар бир кишидан ўзгаришларга шай бўлиб туриш ва биргаликда муҳолифликдан ҳоли бўлган дунё сари илгарилаб боришга доир амалий чора-тадбирларни, сиёсий қатъиятни намойиш этиш талаб қилинади. ЕҲҲК қоидаларининг бутун Европа-Осиё қитъасига жорий этилиши шу ноёб халқаро анжуманнинг имкониятларини кенгайтиради.

Кенгашнинг барча қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон Республикаси бу ғоят муҳим ишда фаол ва жўшқин қатнашиш учун бутун куч-ғайратини ишга солади.

Эътиборингиз учун ташаккур!

● **Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хельсинкидаги ЕҲҲК кенгашида нутқ сўзламоқда.**

ЎзА фотохроникаси.

Республика Олий Кенгаши сессияси қарорларини амалга оширамиз

КЎПЧИЛИК МАНФААТИНИ КЎЗЛАГАН РЕЖАЛАР

Оҳангарон шаҳри фаоллар йиғилишида дон маҳсулотлари комбинати директори, Ўзбекистон халқ депутати Зайниддин Мусаев «Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси қарорлари асосида Оҳангарон меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида» маъруза қилди. Сўзга чиққанлар бу сессияда халқ дилидаги муаммолар ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этдилар. Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда тинчлик, осойишталикни сақлаш нақадар муҳимлигини сессия ўз вақтида таъкидлаганлиги, шу муносабат билан аҳолига Мурожаатнома қабул қилганлигини жуда ўринли эканлигини билдирдилар.

— Чиндан ҳам тинчлик, хотиржамлик бор жойда меҳнатда унум, барака бўлади, — деди Ўзбекистон ХДП шаҳар Кенгашининг биринчи котиби А. Бекмуродов. — Гоҳо ўйлаб қоламан, бизнинг Ўзбекистонимизда тинчликни бу қадар сақлаб туриш учун, осойишталикни таъминлаш учун қанчалик ирода, қанчалик маҳорат ва билимдонлик керак. Шу ҳаёлларга борар эканман, республикамиз Президенти, унинг маҳкамаси, умуман, Олий Кенгаш депутатлари бунинг учун қанчалик куч ва ғайрат сарфлаётганликларини тасаввур этиб, уларга миннатдорчилик билдиргим келади.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳардаги Иттифоқ маҳалла қўмитасининг раиси Г. Жумабоевнинг сўзларини ҳам фаоллар қизиқиш билан тингладилар. У кейинги пайтларда бир қатор маҳаллаларда аҳоли безовта бўлаётганлиги, нопок қадамлар оралаб қолаётганлиги тўғрисида жон куйдириб гапирди. Бунинг учун тезроқ шаҳарда ички ишлар бўлими фаолиятини йўлга қўйиш, улар билан биргаликда ҳамкорликда иш олиб бориш зарур деган ўз таклифини, истагини билдирди. Шунингдек маъруза юзасидан фикр айтган Оҳангарон қурилиш трести ходими Д. Бўрибекова маърузачилар — Зайниддин Мусаев ҳамда Оҳангарон шаҳар ҳокими Александр Махаматшукурович Расуловнинг сўзларида шаҳар билан боғлиқ долзарб муаммолар ўринли кўтарилганлигини таъкидлади.

Кейинги пайтларда шаҳардаги энг йирик корхоналар Оҳангарон цемент комбинати, «Сантехлит» заводи, «Стройпластмасса» комбинати, ун маҳсулотлари комбинатида ишчиларга шарт-шароитни яхшилаш йўлида кўп тадбирлар амалга ошди. Айни пайтда ана шу корхоналарда, бу ютуқларни мустаҳкамлаш, ҳамда маҳаллаларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларини янада яхшилаш талаб этилади.

Йиғилишда кўпроқ эътиборни ижтимоий жиҳатдан муҳофазага муҳтож бўлган пенсионерлар, ногиронлар ҳаётига қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Нотиқлар республика Олий Кенгаши сессиясида миллатлар орасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, бинодарликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш йўлини тўла қўллаб-қувватлашди. Зероки, Оҳангарон шаҳри кўп миллатли шаҳар. Бу ерда ҳар ким катта бир оилада ўз ўрнини топиб ишламоқда ва яшамоқда.

Улар ана шундай дўстлик шаҳри республика Олий Кенгаши сессияси қарорларини рўёбга чиқариш учун бундан буён ҳам бор имкониятлардан фойдаланиб меҳнат қилажакларини ва оҳангаронлик меҳнаткашларни ана шунга даъват этишларини билдирдилар.

Оҳангарон шаҳрида ўтган фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими маҳкамасининг котибияти мудири Р. Турсунов, вилоят юстиция бўлими бошлиғи Е. Бозорбоев ўртоқлар иштирок этдилар.

ЭНДИ — АМАЛИЙ ИШГА

Шу кунларда Бекобод шаҳри меҳнаткашларининг муаммолари кўпайиб қолган. Улар турли тармоқлар бўйича: қурилиш, телефонлаштириш, коммунал хўжалик хизмати... Буларни ҳал этиш — яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида кўтарилган бир қатор йирик масалаларга ҳам жавоб бўларди. Шунинг учун шаҳар Кенгаши депутатлари ўзларининг ўн иккинчи сессиясида республика Олий Кенгаши сессиясида ўз аксини топган ҳаётий муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Чиндан ҳам сессия қабул қилган ҳужжатлар ва материаллар долзарбдир. Булар орасида Олий Кенгашнинг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалари, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаатномаси алоҳида ўрин тутади. Бу ҳужжат тинчлик ва осойишталикни сақлаб туришни биринчи галдаги вазифа деб қараган Президентнинг ва ҳукуматнинг бугунги фаолиятини яқол ифода этди.

Айни пайтда ана шу тўғри йўлни кўролмаётган ҳасадчилар ҳам йўқ эмас.

— Ана шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда депутатлар ҳаммаси биргалашмаса амалий режаларни рўёбга чиқариш қийин, — деди шаҳар ҳокими А. Ибобеков, — зероки депутатлар ҳар кимнинг юрагига йўл топиб, ҳар хил миш-мишларни бартараф этишда, халқ фаровонлигини кўзлаб иш юритишда ўз бурчларини сидқидилдан бажардилар.

Халқ депутатлари район Кенгаши сессиясида Олий Кенгаш депутати, цемент комбинати директори А. Фармонов йиғилганларга сессия руҳини яна батафсилроқ тушунтириб берди. Унинг уюшқоқлик билан ўтиши боиси алоҳида масъулият билан тайёргарлик кўрилганлиги, шундай мураккаб шароитда республика ҳукумати пойтахт шаҳарда, республикада осойишталикни сақлаш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги натижаси эканлигини батафсил баён этди.

Сессияда иштирок этган депутатлар ва таклиф қилинган кишилар эндиликда сайловчилар ҳузурига бориб Мурожаатноманинг мазмунини тушунтириб беришни муҳим вазифа деб ҳисобладилар.

Кўрилган масалалар орасида бекободликларни ташвишга соладиган бошқа муаммолар ҳам бор эди. Маълумки, Бекободнинг «ўзини қандай ҳис этиши» Ўзбекистон металлургия заводининг қай ҳолатда эканлигига ҳам боғлиқ. Узоқ вақтлар давомида идоралараро тўсиқлар заводнинг цехларини мушкул аҳволга солиб қўйди. Ва ниҳоят, ҳамма учун ёқадиган бир қарор қабул қилинди. Завод эндиликда «Узвторчермет»га бўйсунади. Бекободликлар корхоналарини «металлга тўйдириш» борасида бемалол ғамхўрлик кўрсата оладилар. Бу, албатта, ана шундай улкан корхонани ким бошқаришига боғлиқ.

Сессия кўрган масалалардан яна бири ҳозирги иссиқ шароитда меҳнаткашларга қулайликлар яратиб бериш борасида бўлди. Депутатлар қишга тайёргарлик ҳақидаги масала кўтарилганда уни қизғин муҳокама этдилар. Бунинг сабаби тушунарли. Чунки шаҳар бюджети ана шу муаммони ҳал этиш имконига эга эмас. Республика идоралари эса ҳозирги шароитда етарлича ёрдам кўлини чўзмаяптилар.

Аммо бу қийинчиликларга қарамасдан шаҳарга қозонхона керак. Чунки қиш қишлигини қилиш мумкин. Мавсумга ҳозирданоқ тайёргарлик лозим бўлади.

Шуни қайд этиш керакки, сессияда ҳар бир масала юзасидан аниқ фикр ва мулоҳазалар айтилди, шаҳардаги ижтимоий аҳволни яхшилаш, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун ички имкониятлардан фойдаланиш борасида таклифлар, зарур истаклар билдирилди.

Шаҳарни телефонлаштириш, факс алоқасини шакллантириш, янги телефон станциялари қуриш, эски телефон симларини янгилаш билан боғлиқ масалалар гаплашиб олинди. Сессияга таклиф қилинган вилоят ҳокими маҳкамаси ходимлари бу борада қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Шаҳардаги йирик корхоналар ҳам албатта қараб турмайдилар.

Бекобод шаҳар халқ кенгаши депутатларининг сессияси кўпчиликда ишонч уйғотди. Улар Олий Кенгаш сессияси қарорларини, ўз сессияларида белгилаб олган режаларни амалга ошириш учун астойдил киришдилар.

А. КУЗЬМИН.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХЕЛЬСИНКИГА ТАШРИФИ

Маълумки, шу йил 8—10 июль кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, Республика Президентининг ҳар бир хорижий давлатга сафари мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлаётир. Аммо Ислом Каримовнинг бу галги сафари нафақат сиёсий, балки тарихий жиҳатдан ҳам мисли-сиз аҳамият касб этди.

Бу — Ўзбекистон Президентининг Хельсинкига иккинчи ташрифи. Ислом Каримовни илк бор Финляндияга шу йилнинг февраль ойида таклиф қилишган эди. У Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо этиб қабул қилингани ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан эди.

9—10 июль кунлари эса ана шу нуфузли халқаро ташкилотнинг 17 йил давом этган танаффусдан кейинги дастлабки йиғини бўлиб ўтди. Унда ер юзидаги 51 давлатнинг раҳбарлари иштирок этишди. Улар орасида Жорж Буш, Гельмут Коль, Франсуа Миттеран, Жон Мейжор, Лех Валенса, Вацлав Гавел каби ҳозирги замон сиёсатининг йирик намоёндалари бор эди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар ташкилоти, НАТО, ЮНЕСКО сингари бир қанча халқаро ташкилотлар, шунингдек Япония ҳукумати вакиллари ҳам кузатувчи сифатида қатнашди.

Учрашув ишини ёритиш учун Хельсинкига ер юзидаги 40 та энг катта телекомпания, йирик радиостанция ва газеталарнинг мухбирлари, аниқроқ қилиб айтганда, бир ярим мингдан зиёд журналист тўпланди.

Кенгашнинг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Иккинчи куни эса Ислом Абдуғаниевич анжуман ишига раислик қилди. Бу — мустақиллик йўлида илк қадамлар ташлаётган Ўзбекистонга, ана шу мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш, республикамизни жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар сафига олиб чиқиш йўлида бетиним изланаётган Президент Ислом Каримовга кўрсатилган ниҳоятда юксак ишонч эди. Ислом Абдуғаниевич уни шараф билан адо этди. Туркия Бош вазири С. Демирел, Россия Президенти Б. Ельцин, Қирғизистон Президенти А. Акаевлар Каримовнинг раислик ва умуман кенгашдаги фаолиятига юқори баҳо беришди.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримов Хельсинкида фаол иш олиб борди: АҚШ Президенти Ж. Буш, Франция Президенти Ф. Миттеран, Туркия Бош вазири С. Демирел, Финляндия Президенти М. Койвисто ҳамда бир қанча бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар олиб борди. Шуҳа йўққи, бу суҳбатлар Ўзбекистон билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни яна бир поғона юқори кўтаради.

Хўш, кенгашда асосан қандай масалалар ўртага қўйилди? Қизил империя қулаб, «совуқ уруш»та барҳам берилгандан кейин дунёда, айниқса, собиқ СССРнинг бир қанча республикаларида, шунингдек Югославияда этник, миллий ҳамда ҳудудий низолар авж олиб кетди. Анжуманда ана шундай ҳуруж-ларга барҳам бериш йўллари ҳусусида сўз юритилди.

Айрим давлатларда майда миллатлар қувғин остига олинаётгани кузончаклик билан қайд этилди, кенгаш ҳузурида ана шу жиддий масала билан шуғулланувчи олий комиссар вазифаси таъсис қилинди, туб аҳоли ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилишига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув иштирокчилари имзо чеккан якуний ҳужжатда ана шулар, шунингдек қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилган, демократия ҳамда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларга яқиндан мадад бериш ҳар бир ривожланган мамлакатнинг олий бурчи ҳисобланиши алоҳида кўрсатилган.

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
Тошкент — Хельсинки — Тошкент.
(ЎзА).

ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН

ҚИБРАЙ салқин ичимликлар комбинатида ҳозирги оғир турмуш шароитларини ҳисобга олиб, ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучаймоқда. Шу мақсадда барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Меҳнат аҳлининг иш ҳақи оширилияпти, ўз иши натижасидан моддий манфаатдорлиги кучайтирилмоқда, турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган кўпгина тадбирлар амалга оширилди ва ҳозир ҳам амалга оширилмоқда.

Бундай хайрли ва саховатли ишда корхона касаба уюшмаси қўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Қўмитамизнинг асосий вазифаси ҳам шундай бўлиши керак, — дейди қўмита раиси Любовь Павловна Левочкина. — Бунинг учун ўз жамғармамиздан фойдаланмоқдамиз. Бу ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган моддий ёрдамда, санаторий, дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар ажратилишида, турли хил маданий тадбирларда ва бошқа шу каби ишларда ўз ифодасини топмоқда. Жамоамиз аъзолари фарзандларининг ёзги таътилларини мазмунли ўтишига ёрдам кўрсатишда ҳам ёрдам бермоқда.

Қўмита шу йилнинг ўтган ойларида уюшма аъзоларига салкам ўн минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантиришга ажратилган маблағ миқдори ҳам бир неча минг сўмни ташкил этди.

Ишчи-хизматчилардан ўнлаб кишиларга бепул ёки имтиёзли йўлланмалар берилди, улар ўз таътилларини республикамиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатларидаги дам олиш ва даволаш масканларида, саёҳатларда ўтказдилар. Электрчи В. Иващенко, ишчилардан Г. Алоева, М. Турсунбоева, Х. Мўминов ва бошқа ўнлаб илғорлар шулар жумласидандир.

М. МАҲМУДОВ.

Халқаро ҳамкорлик

ТОШКЕНТ — ТЕЛЬ-АВИВ ҲАВО ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси миллий компанияси ва Исроил фуқаро авиацияси департаментининг расмий делегациялари мунтазам самолёт қатнови бошланиши тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзоладилар. Август ойидан бошлаб янги ҳаво йўли орқали Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг ИЛ-62 лайнери қатнай бошлайди.

Имзоланган ҳужжатда Исроил пойтахтида Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг ваколатхонасини очиш назарда тутилган. Шундай қилиб, ўзбекистонлик учувчиларнинг йўл хариталарида яна битта манзилгоҳ — Тель-Авивдаги «Бен-Гурион» халқаро аэропорти пайдо бўлди.

(ЎзА мухбири).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

СИДОРСКИЙ ФИЛИП ФИЛИППОВИЧ



Сидорский Ф. Ф. 1937 йилда туғилган, миллати рус, Москва давлат халқаро муносабатлар институти ва дипломатия академиясини битирган.

1966 йилдан буён дипломатия соҳасида ишлайди. Собиқ СССРнинг Афғонистондаги элчихонасида таржимон ва атташе; Иттифоқ ташқи ишлар вазирлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимида атташе, учинчи секретарь; Эрондаги элчихонада учинчи, иккинчи секретарь, маслаҳатчи; Ташқи ишлар вазирлиги Ўрта Шарқ бўлимида маслаҳатчи, эксперт бўлиб ишлаган.

1988 йилдан бери Сидорский Ф. Ф. Афғонистондаги элчихонада маслаҳатчи-вакил вазифасида ишлаб келади.

СССР ва Россия расмий делегацияларининг аъзоси сифатида халқаро конференциялар ва кенгашларда қатнашиш учун чет элларга сафар қилган.

У фавқулодда ва мухтор элчи дипломатия даражасига эга. Форс ва инглиз тилларини билади.

Оилали битта ўғли бор

• *Долзарб мавзуда суҳбат*



ОМАД ЁР БЎЛСИН!

БОЗОР иқтисодиёти барча соҳаларни тобора қамраб олмоқда. Бу эса янги-янги муаммоларни келтириб чиқараяпти. Бугун ким билан гаплашманг, суҳбат ўз-ўзидан ана шу масалаларга бориб тақалади. Иқтисодиётимизни инқироздан олиб чиқиш учун қандай имкониятлардан фойдаланиш керак? Ана шу муаммо ҳаммамизни ўйлантириб турипти. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминлаш йўллари қидирилмоқда. Сабаби — нарх-наво кескин ўсиб кетди. Албатта, ўзгаришлар бўлиши табиий. Яхши тадбирлар, кўрилаётган чоралар амалга ошса, аҳолини пул билан вақтида таъминлаш имконияти туғилади.

Хўш, бунинг учун нималар қилинмоқда? Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ўз давлат ички ютуқ заёми облигациялари муомалага чиқарилди. Бу ҳам пул қадрсизланиши олдини олиш учун қўйилган дастлабки қадамдир. Иккинчидан, аҳолини қўлида катта миқдордаги пуллар йиғилиб қолмайди. Мустақилликнинг нишоналари мана энди кўрина бошлади. Муҳарририятимизга кўплаб газетхонлар давлат ички ютуқ заёмлари ва ҳисоб-китоб чеклари, ойлик маошларини қайси йўллар билан олиш маъқуллиги тўғрисида мурожаат қилишиб, бу ҳақда батафсил маълумот беришимизни сўрашган. Биз Ўзбекистон Республикаси жамғармалар банкининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди **Бахтиёр Қудратович МИРЗААҲМЕДОВ** билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Бахтиёр Қудратович, суҳбатимиз олдидан сиз бошқараётган Жамғармалар банки бошқармасининг фаолияти ҳақида бироз тўхталиб ўтсангиз?

— Вилоят жамғармалар банки бошқармаси ихтиёрида 18 бўлим ва 185 та шохобча бор. Улар шаҳар ва районларимиздаги аҳолига 80 дан зиёд турдаги пул муомалалари орқали бажариладиган хизматларни амалга ошириб келмоқда. Банк маблағларининг асосий қисми аҳолига ва вилоятимиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун корхоналар, ташкилотларга қарз сифатида берилмоқда. Масалан, шахсий уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун аҳолига 25 йил муддатга уч фоизлик қарз берилади. Нарх-навонинг ўсиши бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Айниқса бу аҳолининг турлича қатламларида яққол сезилиб турипти. Шунинг учун ҳам уларга қулайлик яратиш мақсадида қурилаётган ёки сотиб олинаётган уй-жойларнинг умумий нархининг 75 фоизи қарз шаклида бериляпти.

Лекин вилоятимизда, унинг шаҳар ва районларида бир қатор тижорат банклари ҳам ишлаб турипти. Улар ҳам аҳолининг омонатларини ўзларига жалб қилиш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Фақат жамғарма банкларида сақланаётган омонатларгагина ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ.

— Хизмат турларини кўпайтириш, мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида қандай ишларни амалга оширяпсизлар?

— Келгусида бир қатор янги хизмат турларини жорий этмоқчимиз. Ривожланган мамлакатларда ҳар бир киши қайсидир бир банкнинг аъзосидир. Биз ҳам ана шундай натижага эришмоғимиз даркор. Ҳадемай валюта муомалалари билан боғлиқ ишларни йўлга қўймоқчимиз. Шунингдек аҳолига ва мижозларимизга қулайлик яратиш мақсадида жамғарма банки муассасаларининг иш вақти соатлари узайтирилди ва жойлардаги муомала бўлимларимиз дам олиш кунисиз аҳолига хизмат қилмоқдалар. Муассасаларимиз янги замонавий техника билан жиҳозланмоқда.

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг дастлабки заёми ва унинг муомалага чиқарилиши, сотиш ва қайта сотиб олиш тартибларини тушунтириб берсангиз.

— Мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида катта ўзгариш юз берди. Унинг 12 фоизли давлат ички ютуқ заёми облигациялари муомалага чиқарилди. Мен ўйлайманки, энди бу заём пул муомалаларини барқарорлаштириш ва республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга бевосита хизмат қилади. Заём облигациялари жамғармалар банкининг вилоятимиздаги барча бўлимларига сотиш учун тарқатилди. Ўзбекистон Республикаси заёми облигациялари 1992 йил 20 июндан бошлаб Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ўзбекистон агросаноат банкининг муассасаларида сотилмоқда. Бу заёмлар 20 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, унинг 32 фоизига албатта ютуқ чиқади. Қолган 68 фоизига кўрсатилган муддат тугагандан сўнг, пули давлат томонидан қайтариб берилади. Тираж ўйинлари йилига тўрт марта ўтказилади.

Аммо бу йилги Ўзбекистон республикаси заёми июнь ойидан бошлаб муомалага чиқарилган бўлса ҳам, халқ манфаатларини ҳисобга олиб 1992 йилнинг иккинчи ярмида 3 та тираж ўтказишга қарор қилинди. Биринчи тираж ўйини 30 июль куни Самарқанд шаҳрида, иккинчиси 30 сентябрда Урганч шаҳрида, учинчиси 30 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

— Ютуқлар ва уларни тўлаш қоидалари қандай бўлади?

— Юқорида таъкидлаганимдек, йигирма йил ичида ҳар бир заёмнинг учинчисига ютуқ чиқади. Албатта, бу маблағга эга бўлиш учун катта имкониятдир. Ютуқлар — 2, 5, 10, 25, 50, 100 ва 250 минг сўмгача белгиланган. Кўриб турибсизки, бу жуда катта миқдор. 1982 йилги давлат ички ютуқ заёмидан фарқи шундаки Ўзбекистон Республикасининг ички ютуқ заёми 12 фоиз қилиб белгиланган. Шунинг учун ҳам облигациялар 250, 500 ва 1000 сўмлик белгиларда чиқарилди. 500 сўмлик заём облигацияси энг асосийсидир. Сабаби, унинг ютуғи тўлиқ берилади. 250 сўмлик облигация эгасига ютуқнинг ярми тўланади. Минг сўмлик облигация эса бир серияда бўлган 2 та 500 сўмлик облигациядан иборат.

— Янги облигацияларнинг курс (устама) қийматлари ҳам белгиланганми?

— Албатта, тираж ўтказилишига боғлиқ. Масалан, 250 сўмлик облигациялар — 2 сўмдан 5 сўмгача, 500 сўмлиги — 4 сўмдан 10 сўмгача ва 1000 сўмлик облигациялар 8 сўмдан 20 сўмгача курс (устама) қийматида сотилиши керак. Яъни тираж ўйинлари яқинлашган сари курс (устама) қийматлари ҳам ошиб бораверади. Лекин юқорида келтириб ўтган миқдоргача ўсади. Аммо биз 1-тираж ўйини 30 июлда ўтказилаётганлиги учун заём облигацияларини июль ойида имтиёзли (паст қиймат) курс қийматларида сотяпмиз. Мижозларимиз бир нарсани эсдан чиқармасликлари керак. Жамғарма банклари заёмни қайта сотиб олаётганда курс қийматларини қайтариб бермайдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон республикаси 12 фоизли давлат ички ютуқ заёми ҳозирги ўзгарувчан даврда сизнинг пулингизни қадрсизланишдан ҳимоя қилади.

— Бахтиёр ака, яна шундай гаплар қулоққа чалиняптики, баъзи жойларда заём облигациялари маош ўрнига берилаётганмиш...

— Йўқ, бу қандайдир англашилмовчилик бўлса керак. Чунки Ўзбекистон Республикаси 12 фоизли давлат ички ютуқли заёмлари фақат ЭРКИН СОТИЛАДИ ВА ХАРИД ҚИЛИБ ОЛИНАДИ.

— Заёмни сотиб олган киши пулга муҳтож бўлиб қолса, заёмини қайтариб пулини олиши мумкинми?

— Албатта, бу тўла-тўкис кафолатланган. Ҳар бир заём эгаси хоҳиржам бўлмоғи лозим. Заёмлар чекланмаган ҳолда ҳеч қандай тўсиқ ва қаршиликларсиз, заём эгасининг биринчи талабига мувофиқ қабул қилиб олинади.

— Илгари банкларда ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари муомалада бор эди. Ҳозир-чи?

— Тўғри, ҳисоб-китоб чеклари жамғарма банкларида аввалдан бор. Бу нақд пулсиз муомаланинг ягона йўлидир. Яъни кейинги вақтларда ойлик маошлар анча ошди. Маош олувчиларнинг қўлида катта миқдордаги кичик қийматли пуллар ушланиб қоляпти. Банкларга нақд пуллар қайтиб келиши қам қийинлашди. Энди, харидор саноат моллари ёки маҳсулот сотиб олмоқчи бўлса, албатта, «бир сумка» пулни кўтариб юриш унга ноқулай. Шунинг учун ҳисоб-китоб чекларидан фойдаланиш ҳам харидорга, ҳам савдо корхонасига қулай. Бугунги кунда ҳисоб китоб чеклари орқали нафақат маҳсулот сотиб олиш, шунингдек, уларга самолёт ва поезд чипталарини ҳам сотиб олиш мумкин. Ҳисоб-китоб чекининг ўзи нима? Бу шахс номига ёзиб бериладиган ягона ҳужжатдир. Сиз жамғарма банки муассасаларига ташриф буюриб, омонатингиз ҳисобидан ёки нақд пул топшириб, ҳисоб-китоб чекларини олишингиз мумкин. Ҳисоб-китоб чеклари тўрт ой муддатга берилади. Агар сиз ундан фойдалана олмасангиз ҳеч хавотирга тушманг. Жамғарма банки уни сиздан қайтиб олади.

Чек дафтарчаси ҳам ҳисоб-китоб чеки каби амалий ҳужжат ҳисобланади. У исталган жамғарма банки муассасаси томонидан фақат омонатчига берилади. Чек дафтарчаси омонат пулингиз билан бирга расмийлаштирилади. Аввалги қоидаларга мувофиқ у 10 минг сўм миқдоригача белгиланган бўлиб, икки йил муддатга берилади. Албатта, бу миқдор ҳозирги даврда кам. Бу масала ҳам кўриб чиқиляпти. Чек дафтарчасининг 12 та йиртиб олинадиган варақчалари бор. Агар ундан икки йил ичида фойдалана олмасангиз яна икки йил муддатга узайтирилади.

Бозор иқтисодиётида муаммолар кўпайиб кетди. Айниқса, пул таъминотини яхшилаш масаласи ҳаммамизни ўйлантириб турипти. Ойлик маошларни олиш қийинлашмоқда. Жамғармалар банки бунинг учун иш ҳақингизни шахсий ҳисобингизга ўтказиб туришни таклиф қилади. Бунда ҳам вақтингизни тежайсиз, ҳам керак пайтда хоҳлаган миқдордаги пулингизни оласиз ёки ишонч қоғози орқали кимгадир бу ишни топширишингиз мумкин.

Жамғармалар банки хоҳлаган ташкилот ва корхоналар билан шартномалар тузади. Шартномага мувофиқ унинг жамоасига, ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсатади. Қисқа муддатли қарзлар берилади. Ойлик иш ҳақи жўнатмалари бепул расмийлаштирилади. Жамғарма банклари муассасаларидан ойлик иш ҳақи оладиганлар коммунал хизматларга ҳам пул тўлашлари мумкин. Сиз оғир иқтисодий шароитда ҳам қийналмайсиз. Бизнинг вилоят жамғарма банкимиз 200 дан ортиқ йирик ташкилотларга ойлик маошларини тарқатади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги мураккаб шароитда пул маблағларингизни уйингизда сақламанг, омонат банкида сақлашни маслаҳат берамиз. Бу сиз учун ҳам, давлат учун ҳам фойдалидир. Жамғармангиз фоиз ҳисобида кўпаяди, ва пул қадрсизланишидан ҳамда турли хил кўнгилсиз ҳодисалардан сизни асрайди. Айни вақтда омонатлар фоизи 15 фоизгача кўпайтирилди. Бу ҳали чегара эмас. Пулингиз кўпайсин, омад ёр бўлсин, азиз дўстлар!

Суҳбатни Ҳ. ЮНУСОВ олиб борди.







• *Табиат ва инсон*

«АВВАЛО ЖАМОАМИЗ НАФ КЎРАДИ»

«ЭЛЕКТРОКИМЁСАНОАТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шуҳрати ҳаммага маълум. У салбий томондан, атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манба сифатида ҳам машҳур. Бу соҳа бўйича Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари рўйхатининг энг олдида туради. Ҳа, табиатни ифлос қилишда унга тенг келадиган на корхона, на ташкилот бор бу ерда. Ахир, атроф-муҳитга шаҳар бўйича тарқаладиган зарарли моддаларнинг 74 фоизи шу битта бирлашмага тўғри келади.

Бундай аҳволнинг содир бўлиш сабаблари кўп. Лекин энг асосийси шундаки, уни қуришда табиат мусаффолигини таъминлаш масаласи ҳеч кимнинг эсига келмаган, ўша вақтдаги ҳайбаракаллачилик, «тезроқ қур», «тезроқ ишга туширш» шиори уни эътибордан четда қолдирган. Корхона ишлаб турган, табиатни ифлослантираётганлиги аниқ кўзга ташланиб турганда ҳам бу муҳим соҳада айтарлик иш қилинмаган.

Турғунлик даврига келиб эса табиатга етказаётган зарари яна кўпайди. Капролактам ишлаб чиқаришининг фойдаланишга топширилиш оқибатида шундай бўлди. Ҳавони, сувни, ерни заҳарлаш ҳажми янада ортди. Бу табиий равишда кенг меҳнаткашлар оммасининг норозилигига сабаб бўлди, мутасадди ташкилотларни, қолаверса, бирлашма раҳбарлигини ҳам катта ташвишга солди. Ҳамма атроф-муҳитни бундай кенг ифлосланишининг давом этиши мумкин эмаслигини, тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса оқибати янада хунукроқ бўлишини чуқур англади. Бунинг устига йиғилишу мажлисларда, рўзномаю ойномаларда бу масалада бирлашма раҳбарияти шаънига айтилган танқидий фикрлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Кейинги вақтларда бирлашмада табиатни мусаффо сақлаш масалаларига эътибор кескин кучайди. Шу мақсадда қатор ташкилий-техникавий ишлар амалга оширилди. Жумладан, «1991—1995 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мажмуий тадбирлар» ишлаб чиқилди. Корхона бош инженерининг ўринбосарларидан бири бу ишга масъул қилиб тайинланди. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш, табиат муҳофазаси бўйича ишлар билан шуғулланадиган бўлимлар, лабораториялар тузилди. Биргина бўлимда беш нафар ходим ишламоқда, лабораториячилар сони янада ҳам кўп. Умуман бирлашмада табиатни муҳофаза қилиш билан каттагина куч шуғулланмоқда. Улар кўпроқ жорий ишларни амалга оширишяпти.

Айни вақтда юзларча минг сўм маблағ сарфлаб, кенг қамровли ва миқёсли чоралар ҳам кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси табиатни муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган дастурни рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Шу асосда кейинги икки-уч йил ичида анчагина ишлар қилиниб, ташқарига ишлаб чиқариш чиқиндиларини, ифлосланган оқавани чиқариш анчагина камайди. Биргина ўтган йили бу жабҳада амалга оширилган ишлар кўлами олдинги вақтдагиларга қараганда анча кенг бўлганлигини қуйида келтириладиган далил ва рақамлардан пайқаб олиш қийин эмас.

Бир йил давомида заҳарли моддаларни ҳавога, сувга чиқариш деярли уч минг тонна камайди. Шундай бирлашма учун бу оддий кўринади. Лекин бу ишнинг ҳақиқий бошланиши эканлигини ҳисобга олиш керак. Корхона ҳар йили ниҳоятда кўп ҳажмда сув ишлатади, ундан кимёвий жараёнлар қаторида асбоб-ускуналарни совутиш, иситиш, буғ ҳосил қилишда фойдаланади. Кўрилган чоралар туфайли уни ишлатиш ҳажми тобора камайиб бормоқда. Биргина ўтган йили 14 миллион куб метрга озайди. Агар 1986 йилда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилган оби-ҳаёт ҳажми 250—270 миллион куб метрни ташкил этган бўлса, ҳозир у 192 миллион куб метрдан ошмаяпти. Биргина тадбир, яъни биринчи цехда сувдан қайта фойдаланиш иншоотининг қурилиши ҳар йили ўттиз беш миллион куб метр сувни тежаш имконини беради. Табиатнинг энг қимматли инъомларидан бирини тежашга қаратилган ишлар ҳамон жадал олиб борилмоқда.

Ҳавога зарарли чиқиндиларни тарқатишни камайтириш масалаларига ҳам эътибор кучаймоқда. Шу мақсадда қатор газ-чанг ва бошқа шу каби моддаларни тозаловчи ва зарарсизлантирувчи мосламалар ўрнатилди. Ўнлаб шундай қурилмалар ишлаб чиқариш бинолари ичининг санитария ҳолатини ҳам яхшилади. Заҳарли чиқиндиларни кўмиш ишлари ҳам такомиллаштирилди. Ўтган йил давомида бирлашма бўйича атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган юмушларга сарфланган жами сармоя етти миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Шу вақттача ҳеч қачон шундай ҳажмдаги ишлар амалга оширилмаган эди.

Саноат-санитария ҳамда оқаваларни зарарсизлантириш лабораторияси энг замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Унда кенг кўламда текшириш ишлари амалга ошириляпти. Шуни айтиш кифоякн, лаборатория ҳар йили ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида оқаваларнинг таркибини текшириш, ифлослик даражасини аниқлаш юзасидан олтмиш мингта таҳлил ўтказиш қувватига эга. Ходимлар эса вақтдан тўғри фойдаланиш, анжомларнинг доим соз ҳолда бўлишини таъминлаш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига бу кўрсаткични бир ярим баробар ошириб, уни тўқсон мингтагача етказмоқдалар. Оқаваларнинг намунаси ҳамма бўлинмалардан ҳар олти соатда бир марта олиниб турилади. Уларнинг таркиби қирқта заррали модда бўйича текширилади. Цехлар бинолари ичи ва ташқарисидаги ҳаво ҳар саккиз соатда таҳлил қилинади. Бирйўла ўттизта модда миқдори аниқланади. Лабораторияда саккиз нафар инженер-техник ходим ва ўттиз икки нафар лаборант ишламоқда. Улардан махсус гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар муайян иш бўйича ихтисослашган. Чунончи, бир гуруҳ аъзолари иш ўринлари ва санитария-ҳимоя минтақасининг ҳолатини назорат қилса, иккинчи гуруҳ—чанг газ чиқиндиларининг ҳавога чиқишини текшириш билан шуғулланади. Яна бир гуруҳ ичиладиган сувнинг таркибини доим эътиборда тутади ва ҳоказолар.

Улар фақат бирлашма раҳбарлигига бўйсунадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси маъмурияти лаборатория ходимларининг фикри билан ҳисоблашади, уларнинг талаб, таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олишга мажбурдир. Ҳар бир цехда ўтказилган текшириш натижалари бевосита шу ернинг ўзида муҳокама қилинади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазифалар, бунинг учун масъуллар белгиланади. Чора кўрилгач лаборатория ходимлари албатта назорат таҳлилини ўтказадилар. Йўл қўйилган камчиликларнинг айбдорлари аниқланиб, улар моддий ва маънавий жазоланадилар, агар аниқланмаса цех бошлиғининг ўзига нисбатан чора кўрилади.

Бирлашма оқаваларини тозалаш ва зарарсизлантириш тўқсон учинчи цехда яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда цех ҳар куни асосий ишлаб чиқариш майдонларидан юзлаб куб метр сувни тозалаш учун қабул қилади. Оқаваларни тозалашда кимёвий усуллар қўлланилади. Бу ерда тиниттирлади, центрфугаларда тозаланади. Олинган лойқа эса ажойиб ўғит ҳисобланади. Унинг таркибида 70 фоизгача тўйимли модда бўлиб, чорвани боқиш учун ишлатиш мумкин. Ҳозир микробиология илмгоҳи ундан фойдаланиш бўйича бирлашма билан ҳамкорлик қилмоқда. Корхона маъмурияти табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида айниқса илмгоҳларни жалб қилишга алоҳида аҳамият билан қарамоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон кимёлойиҳа илмий-тадқиқот институти, микробиология илмий-тадқиқот институти ва бошқа қатор муассасалар билан алоқа яхшиланмоқда.

Айни вақтда атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишларни амалга ошириш давом этмоқда. Тозалаш иншоотлари цехининг иккинчи навбати қурилмоқда. У ҳар куни деярли олти юз куб метр оқава сувларни қайта ишлаш имконини беради. Натижада бу цехнинг қуввати беш баравардан кўпроқ ортади. Оқаваларни қориштирадиган ўн саккизта мослама олинди. Ёғин сувларини ажратмалардан тозаловчи янги бўлинма барпо этиляпти. Ортиқча чўкинди ва лойқа минераллаштирувчига етказиб бериладиган бўлади, бу ерда улар бактериялардан тозаланиб, қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга жўнатилади.

— Амалга оширилган бу ишларни ҳамир учидан патир, дейиш мумкин,— дейди бирлашма бош муҳандисининг меҳнат муҳофазаси ва экология бўйича ўринбосари И. С. Расулқулов.— Кўрилган чораларга қарамай корхонамиз ҳамон атроф-муҳитни катта ҳажмда ифлослантирувчи манба бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз керак. Шундай ҳам бўлади. Бунинг учун имкони борича кўпроқ маблағ ажратиш давом этади. Бундан эса аввало жамоамизнинг ўзи кўпроқ наф кўришини биламиз. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги эса ҳамма нарсадан юқори туради. Улар соғ-саломат бўлса ишимиз ҳам соз ва маромида бораверади.

М. МАҲМУДОВ.

Маҳаллий Шўролар ва ҳаёт

ДЕПУТАТ СЎЗГА ЧИҚДИ

УНИНГ ТАНҚИДИЙ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида бўлиб ўтган сайловда Янгийўл ноҳия Кенгашига 80 депутат сайланган эди. Улар шу кунларда ўз депутатлик бурчларини қандай ўтамоқдалар, жойларда ишнинг аҳволини яхшилашга қандай таъсир ўтказмоқдалар.

Янгийўл ноҳия ҳокимининг ўринбосари М. Мирзааҳмедов билан бизнинг суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Депутат фаолияти кўп қиррали бўлиб, ана шулардан бири депутатнинг ўзи сайланган Кенгаш сессияларида фаол қатнашишидир, — деб бошлади сўзини М. Мирзааҳмедов. — Шуни таъкидлаш лозимки, ноҳия Кенгаши депутатларининг асосий кўпчилиги ўзларининг сайловчилар олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилмоқдалар. Ноҳия Кенгаши сессияларида фаол қатнашиб, меҳнат жамоаларини, сайловчиларни ҳаяжонлантираётган ва ташвишга солаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқдалар. Бу билан улар камчиликларнинг тезроқ тугатилишига, жойларда ишнинг аҳволини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Депутатларнинг сессияларда билдирган танқидий фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларига қандай муносабатда бўлишяпти? Улар асосида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?

— Сессияларда билдирилаётган танқидий фикр, таклиф ва мулоҳазаларнинг саксон фоиздан ортиғи бажарилиши таъминланаяпти. Биз бунга таклиф ва мулоҳазаларни қатъий ҳисобга олиш, уларда кўрсатилган масалалар ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаш туфайли эришаяпмиз. Чунончи, Тимирязев номли давлат хўжалиги директори депутат А. Болғабоев ноҳия Кенгашининг VI сессиясида сўзга чиқиб, мева дарахтлари кўчатлари етишмаганлиги сабабли хўжаликда 100 гектар ер экилмай қолганлигини, кўчатларни Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятлардан ташиб келтириш хўжалик учун жуда қимматга тушаётганлигини айтган эди. Ваҳоланки, ноҳиямиз ҳудудида махсус кўчатчилик хўжалиги мавжуд. Сессиядан сўнг депутатнинг таклифи асосида ноҳия деҳқончилик саноат уюшмаси бу масалани вилоят ташкилотлари олдига қўйиб, ижобий ҳал этилишини таъминлади.

Ноҳия Кенгашининг VII сессиясидаги маъруза ва депутатларнинг нутқларида ноҳия Ички Ишлар бўлимининг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш назорати ҳамда ноҳия ижроия қўмитаси қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ташаббус кўрсатиб ишламаётганлиги, кўпгина тадбирлар қоғоздагина бўлиб, ўсмирлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилмаётганлиги танқид қилинган эди. Орадан ўтган ярим йил мобайнида мазкур комиссиялар танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ўз фаолиятларини сезиларли даражада кучайтирдилар.

Сессиядаги танқиддан сўнг ноҳия ижроия қўмитаси қошидаги маъмурий комиссия ҳам ўз ишини анча яхшилади.

— Кейинги йилларда уй-жойлар тақсимотида ижтимоий адолат талабларини тиклаш борасида қатъий чоралар кўрилди. Бироқ шунга қарамай, сессияларда уй-жойлар қурилиши сустлиги, квартиралар тақсимотида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги тўғрисида танқидий фикрлар камаймаяпти...

— Дарҳақиқат, ноҳия Кенгашининг сессияларидан бирида «Ташобловдстрой» трестининг 2-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи депутат Ҳ. Раҳматуллаев қурилиш миқёслари ортиб бораётганлигига қарамай, уй-жойлар қурилиши режалари йил сайин бажарилмаётганлигини танқид қилган эди.

Депутатнинг танқиди ва таклифлари бўйича ноҳияда муайян тадбирлар амалга оширилди. Ўтган йили «Янгиобод» давлат хўжалигида 320 ўринли мактаб, Наввоий номли давлат хўжалигида 140 ўринли замонавий болалар боғчаси, Янгимихайловка давлат наслчилик заводида 1450 квадрат метр, Гулбаҳор қўрғонида 9 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Аммо, шуни очиқ эътироф этиш керакки, ноҳиямизда маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмай, биноларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаяпти.


Маҳаллий бюджетда маблағ йўқлиги туфайли ўтган йили ноҳияда бирорта ҳам уй-жой қурилмади. Ташкилотлар, корхоналар қурган уй-жойлардан ажратилган 10 фоиз уй-жой майдони ҳисобидан ғоят муҳтож бўлган 12 оила эҳтиёжи қондирилди, холос. Ваҳоланки, 250 оила уй-жой олиш учун навбатда турибди.

Ноҳия маркази — Гулбаҳор қўрғони 1974 йилда бош режа асосида қурила бошлаган. Шу давр ичида бу ерда 1144 ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, марказий шифохона, маиший хизмат уйи, болалар шифохонаси, 4 та магазин, бир қатор маъмурий бинолар, 20 дан ортиқ кўпқаватли ва 40 дан зиёд бир қаватли уйлар қурилди. Бироқ орадан ўтган 20 йил ичида ноҳия маркази бош режаси маънавий жиҳатдан эскириб қолди. Бир қатор янги объектлар қурилишини амалга оширишда катта камчиликларга йўл қўйилди.

Қўрғон ҳудудидаги кўпқаватли уйлар ёнидан ўзбошимчалик билан автомашиналар учун гаражлар, омборхоналар ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилаётганлиги аҳолининг эътирозига сабаб бўлаяпти.

Мен ноҳия Кенгаши депутатларининг танқидий фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари бўйича амалга оширилган тадбирларнинг айримлари тўғрисида тўхталдим, холос. Шунинг ўзиёқ депутатлар фаоллиги, уларнинг ноҳиямиз муаммоларини ҳал этишдаги жонкуярликларини яққол кўрсатиб турибди. Ноҳия ҳокимияти бундан буён ҳам депутатлар фаоллигини ошириш тадбирларини изчиллик билан амалга ошираверади. Бу ўз навбатида мавжуд нуқсонлар ва камчиликларни ўз вақтида бартараф эта бориш имконини беради.

Суҳбатни Мирзаҳамид ПЕЙСЕНОВ олиб борди.





БЕКОБОД районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалиги ғаллакорлари бу йил мўл ҳосил етиштирдилар. Суратларда: (чапдан) Учкўприк районидан ёрдамга келган комбайнчилар Расулжон Қодиров, Абдумалик Қурбоновлар; хирмон тўла дон. Суратказ П. ЭРГАШЕВ.

Чўпонлар ҳаёти

ШУВОҚ БОР ЕРДА ТУЁҚ БОР

ҚАТОРОВУЛ Оҳангарончинг қўшни Паркент ноҳиясига чегарадош яйлов. Бу ерларда ноҳиянинг «Дўстлик», «Бирлик» ва «Шодмалик» ижара жамоаларининг қўйлари боқилади. Адирлар текис, ўт-ўланлар мўл, қўйлар учун озуқа бўладиган шувоқлар кўп. Шувоқ бор ерда туёқ бор, деган гап балки шунга нисбат берилиб айтилгандир.

Биз Қаторовулга борганимизда чошгоҳ эди. Уч-тўртта чаққон йигитлар ширилатиб қўйларнинг жунини қирқмоқда, иккитаси жунлари қирқиб олинган қўйларни алоҳида қўрага ҳайдаш билан овора, иккитаси эса агрегатлар ёнига бошқа қўйларни олиб келади.

— Жониворни жунининг бўлиқлигини қаранг,— дейди ишини бир зумга тўхтатиб, биз билан саломлашгандан сўнг бош чўпон Абдурайим Нодиров.— Нақ ўн икки сантиметр келади-я, қўчқорда, уларнинг жуни ўсган бўлади.

Абдурайимнинг агрегати ёнига бир қўчқорни олиб келдилар. Катта, тахминан етмиш-саксон кило тош босадиган қўчқорнинг агрегат остида жимгина ётиши диққатимни тортди. Абдурайим эса ўн беш-йигирма дақиқада жунни қирқиб бўлди. Қирқилган хом ашёни олиб алоҳида тарозига қўйдик, уч килою олти юз эллик грамм чиқди.

— Ҳаммаси шунақами?— сўрайман.

— Кичикроғи бор, лекин 400 бош қўчқорларнинг ҳар биридан ўртача 2,8—уч килодан қирқаяпмиз.

Абдурайим Нодиров чўпон таёғини отасидан олган. Олти йилдирки, ўзи мустақил отар боқади.

— Нега фақат қўчқорларни боқасиз, совлиқлар ҳам олсангиз бўладику?— дея чўпонга савол бердим.

— Отаримиз шунга ихтисослашган. Қўйларни қочириш пайтида эса чўпонларга ўн-ўн бештадан қўчқор бериб турамиз, мавсумдан сўнг яна қайтариб беришади. Бунинг учун бошқа чўпонлар бизга ҳақ тўлайди. Ахир қўчқорларни муттасил совлиқлар орасида ушлаб бўлмайди.

— Совлиқларни бошлаб юрадиган қўчқорлар ҳам керак-ку отарга.

— Йўқ, отарни катта-катта серкалар бошқаради. Ҳар бир отарда бор улар, ҳув ана, Мусурмонқулнинг қўйлари орасидаги серкани кўраяпсизми, туришини қаранг, бамисоли саркарда дейсиз.

Мен Мусурмонқул Шодиев жун қирқаётган нариги агрегат ёнига бораман. Бу ерда ҳам ўша манзара.

— Серкангиздан қанча жун оласиз?— Мусурмонқулга савол қистирдим.

— Тўрт кило чиқаров, отаримнинг асосий қоровули шу бобосерка-да, шохини қаранг, қашқир зотини йўлатмайди.

— Ҳозир шунинг жунини қирққанингизда, кўрардик.

— Бир дақиқа,— деди чўпон ва ёрдамчисини чақирди.— Ҳой, серкани ола кел.— Ёшгина чўпон серкани бўйнидан ушлаб етаклаб келди. Йўлакай чўнтагидан нимадир олиб унинг оғзига тутди. Соқоли селкиллаган серка кавшаниб йигитчанинг орқасидан эргашди. Агрегат остига ётқизилгандан сўнг бир зумда иш битди. Жунни тарозига қўйдик: тўрт килою уч юз олти грамм. Қўйларники 2, баъзиларники 1,7 килодан чиқаяпти.

— Қиш бўйи молларимиз яхши боқилди. Қўйлар қишдан семиз чиқса жунлари ҳам бўлиқ бўлади, кўрдингизми, ҳар бир қўйдан режадагидан ошириб жун қирқаяпмиз. Бу ҳам чўпоннинг бахти,— дейди бригадир М. Худойбердиев.

Ўшанда май ойи эди. Кун бўйи Қаторовулда бўлдим. Тўрт азамат йигит минг бошга яқин қўйнинг юкини енгиллатганини кўргандим.

«Дўстлик»да атиги уч минг бош совлиқ ва қўчқорлар бор. Улардан ҳар йили 4,5 тоннадан кўпроқ сифатли, майин жун қирқиб олинади.

— Жун топширишни ҳали узил-кесил ҳал этганимиз йўқ,— деганди қўйчилик бригадири Музаффар Худойбердиев.— Чунки ўтган йили жунларни ноҳия тайёрлов идорасига топшириб роса чув тушганмиз. Ҳам энидан, ҳам бўйидан деганларидай, қўли эгри тайёрловчилар тарозию-сифатидан уриб турганидан кейин чўпонга нима қолади? Орадан уч кун ўтгач яна йўлим «Дўстлик»ка тушди. Қирқимнинг натижаси билан қизиқдим. Беш тоннага яқин жун олишибди. Бу чўпоннинг, фарзандларининг, элнинг насибаси-да!

Мўмин ҚАЮМОВ.

ОДАТДА иссиқхоналар ҳақида айни қирчиллама қиш пайтида ёки эрта баҳор, кеч кўзда ёзиш анъана бўлиб қолган. Бу табиий ҳол. Чунки, худди ана шу пайтларда далада ҳосил бўлмайди, сабзавот маҳсулоти танқислашади. Биз бу анъанани бузиб, айни ёз чилласида иссиқхонада бўлдик ва тажрибалари билан қизиқдик.

Бу ерда гап Тошкент ноҳиясидаги Ғ. Умаров номли жамоа хўжалиги иссиқхонаси ҳақида бормоқда. Иссиқхона бошлиғи Эркин Худойбердиев билан суҳбатда бир қатор муаммолар ойдинлашгандек, кўплар учун фойда келтириши мумкин бўлган тажрибалар билан танишгандек бўлдик.

— **Эркин Худойбердиевич, яхши биламиз, иссиқхонада ҳосилнинг мўл, сифатли бўлишн энг аввало кўчатларнинг соғлом ўсиши, ривожланишига боғлиқ. Бунинг учун эса кўчат сараланган бўлиши ва у ўсув даврида ҳар хил ҳашаротлардан ҳимояланган касалликларга чалинмайдиган бўлиши керак. Ана шу ҳар икки жиҳатдан оладиган бўлсак сизларда бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Шунинг учун ҳам ҳар квадрат метр иссиқхона майдонидан юқори ҳосил олияпсизлар. Ҳар йили режа ошириб бажариляпти. Агар сир бўлмаса ана шу соҳадаги тажрибалар ҳақида ўртоқлашсангиз? Айниқса, «оқ пашша» ташвишидан қутулганисизлар, деб эшитдик. Бунга қандай қилиб эришасизлар?**

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бизнинг иссиқхонадаги экинзорларимизда оқ пашша деярли учрамайди. Лекин бунга осонликча эришмадик. Сабзавотчилик, картошкачилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб борамиз. Уларда оқ пашшанинг яхши самара берадиган кушандаси яратилган. Трихограмма дейилади. Биз шартнома қилиб, ҳар йили ана шу трихограммадан олиб келамиз. Трихограмманинг тухуми барг орқасига жойлашган бўлади. Ҳар бир бўлинманинг беш-олти жойига ана шу трихограмма тухуми жойлашган баргларни қўямиз. Бу ишни қатъий режа ва тартиб билан амалга оширамиз. Қарабсизки, трихограмма бу ерда ўз-ўзидан кўпаяди ва у оқ пашшанинг тухумини еб тирикчилик қила бошлайди.

— **Фойдаси катта экан-ку, нега у ҳолда айримлар оқ пашшага қарши курашда биологик усулнинг фойдаси йўқ дейишади.**

— Илгари бу ерга ишга келмасимдан олдин мен ҳам шундай деб ўйлардим. Лекин тажрибада кўрдимки, олимларимиз бекорга жон койитишмаётган экан. Аввало ҳар ишнинг ўз вақти бор деган нақлга амал қилиб, оқ пашша кўпайиб кетмасдан ишни бошлаш керак. Ана шунда натижа яхши бўлади. Қунт, ҳафсала, эътибор зарур. Яна бир қатор омиллар бор. Агар трихограмма қўлланилганда ҳарорат 16 даражадан тушиб кетса борми, фойдали кушанда қирилиб кетади. Бунга йўл қўймаслик, хушёр бўлиш керак.

Иссиқхонадаги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар трихограмма — кўпайиб, ўсимликнинг барглари орқасига тухум қўйиб ташлайди. Ана энди хирмонни кўтариб бўлингач, бу ҳосил поялари йиғиштириб олинади ва ташқарига чиқариб ташланади. Қарабсизки, яна фойда. Бу поядаги трихограммалар озуқа излаб очиқ далага ёйилади ва уердаги экин-тикинларга зиён келтираётган оқ пашшаларга ҳам қирон келтиради.

— **Бундан чиқдики, агарда ҳар бир иссиқхонада оқ пашшага қарши курашда ана шу йўл тутилса умумий ишга катта фойда берар экан-да! Сабзавоткорларнинг, айрим деҳқонларнинг далами иссиқхонага яқин ерда жойлашгани учун уердан учиб чиқаётган оқ пашшалар бизни экинимизга ҳам зиён келтиряпти, деган таъналардан қутулса бўларканда!..**

— Худди шундай.

— **Демак, ҳар бир иссиқхонада ҳосилдорликнинг ортиши, маҳсулот сифатининг яхшиланишида биологик усулга кенг йўл бериш шарт экан. Шундай эмасми?**

— Ҳеч шубҳасиз. Оқ пашша кўпайиб касал тушган помидор экинининг ҳосили яхши етилмайди, майдалашади, ликқо, хомсус бўлиб қолади, яхши қизармайди, харидоргир бўлмайди.

— **Лекин барибир маҳаллий ўғит ҳал қилувчи роль ўйнаса керак...**

— Бўлмасам-чи, Биз ҳар гектар иссиқхона майдонига 80—100 тоннадан чириган гўнг соламиз. Бунга катта тайёргарлик кўрилади. Катта-катта ҳовуз ўраларга эринмай фермадан гўнг ташилади. Хашак-хушак ва бошқа чиқиндиларга аралаштириб солинади. Сўнг бир неча кун сув бостириб қўйилади. Шу зайилда маҳаллий ўғит ачиб, чириб ётади. Бу жараёнда гўнг таркибидаги бегона ўт уруғлари ҳам ўлади. Ана шу усулда тайёрланган чириган гўнг экин майдонларининг «жони»ни киритади.

— **Бундан чиқдики селитрани сира ишлатмайсизлар.**

— Бир вақтлари озмикўпми фойдаланардик. Энди бутунлай воз кечганмиз. Чунки вазият, шароит бутунлай ўзгарди. Талаб янгича бўлиб қолди. Агар маҳсулотда нитрат кўпайиб кетадиган бўлса, кўтара савдо қилувчилар биздан юз ўгиришади. Маҳсулотимизни олмай қўйишади, бозоримиз касод бўлади. Демак, чўнтаримизга пул тушмай қўяди. Ҳечким буни хоҳлаймайди. Ҳар ким меҳнат қилганидан сўнг шунга яраша рағбат истайди. Роҳатини кўрсам дейди.

Биз вилоят қишлоқ хўжалигини лойиҳалаштириш-қидирув станцияси билан шартнома тузамиз. Бунинг учун асос бўлади. Ҳар йили олдиндан маълум миқдорда пул ўтказиб қўямиз. Улар ўз ишлари самарасидан манфаатдор ҳолда бизга астойдил кўмаклаша бошлайдилар. Иссиқхонадаги ҳар бир бўлинмадан оз-оз тупроқ таркибидан намуна олиб, бу ишни вақти-вақти билан такрорлаб ана шу тупроқнинг таркибини таҳлил қилиб боришади. Унда ўсимлик учун зарур бўлган қайси модда етарли-гу, қайси модда етишмайди. Пишиб етилган ҳосилда нитрат миқдори қай даражада? Шу мақсадда ҳар бир пудратчи етиштирган ҳосилдан ҳам намуна олиб текшириб борилади. Текширув натижаларига қараб уларга биркитилган майдонларда қандай агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилади. Ер учун зарур дори-дармонларни ўзлари топиб беришади. Ана шу дори-дармонлар ерга, тупроққа малҳам вазифасини ўтайди.

— **Ўз-ўзидан шундай савол туғилади. Ҳар йили экин майдонларига, иссиқхонага 80—90 тоннадан чиринди гўнг солинаверса, у ҳолда бора-бора ер сатҳи кўтарилиб, иш қийинлашмайдими?**

Бу турган гап. Бу катта муаммо. Лекин, ҳали бу муаммони ҳал қилиш билан яъни иссиқхонадаги тупроқни олиб чиқиб кетиб, янгиси билан алмаштириш иши ҳеч ерда биронта иссиқхонада шуғулланилмайди. Бу жуда катта куч ва маблағ талаб қиладиган иш. Бу мураккаб жараён. Вақти-соати келиб бу муаммони барибир ҳал қилиш керак. Лекин унгача қараб туриб ҳам бўлмайди. Биз худди ерларнинг шўрини ювгандек ҳар йили пол олиб, майдонларга сув бостирамиз. Бу биринчидан, тупроқ таркибидаги зарарли моддаларнинг пастроққа тушиб кетишини таъмин этса, иккинчидан бироз бўлса-да ерни чўктиради.

— **Хуллас, муаммолар кўп денг...**

— Ҳадеб бу ҳақда гапираверишдан фойда йўқ. Муаммоларни ҳал этиш билан ўзимиз шуғулланамиз. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол айтай. Бу кўчат етиштириш масаласи билан боғлиқ. Бизда 18 сотих майдонда кўчатхона мавжуд. Шу жойда ер тагидан тупроқни илитиб-иситадиган қувур ўтказилиши керак. Бунинг фойдаси катта бўлади. Имкониятлар кенгаяди. Хоҳлаган пайтда, хоҳлаган миқдордаги сифатли кўчат етиштириш мумкин бўлади. Ҳозир бундай имконият йўқ бизда. Кўчат етиштириш пайтида ҳавотирда ишлаймиз. Бирдан ҳаво айниб, ҳарорат пасайиб тупроқ совуқ кетса борми, тайёр бўлиб қолган кўчатларни совуқ уриб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам бу муаммони ўзимиз ҳал қилмоқчи эдик. Лекин бу ёқда бозор иқтисоди деган гаплар чиқиб қолди. Бизга зарур қурилиш материаллари қимматлашиб кетди. Ҳозирча қўлимиз калталик қилиб турипти. Лекин аҳвол шу зайилда давом этавермаса керак. Яхши кунлар ҳам келиб қолар. Ҳаммамиз ҳам шундай деб умид қилиб, ўзимизга ўзимиз тасалли бериб юрибмиз.

— **Мазмунли суҳбатингиз, дилдан очиқчасига айтган фикр-мулоҳазаларингиз учун раҳмат!**

— Сизга ҳам...

Суҳбатдош Н. РИХСИЕВ.

«ОҚ ПАШША»НИ ЙЎҚОТСА БЎЛАДИ

МУМТОЗ ТУРК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИДАН

МЕҲРИ ХОТУН

ҚАРДОШ мумтоз турк адабиёти XV—XVI асрларда тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилди. Бу даврда мумтоз турк адабиётининг Шайхий, Масиҳий, Ҳамди Равоний, Исо Нажотий каби бутун Шарққа машҳур сиймолари тарих саҳнасига чиқди. Улар бадиий адабиётнинг хилма-хил шаклларида ўлмас асарлар яратди. Шайхийнинг ҳажвий, Масиҳийнинг шаҳрангизлари (кичик шеърий ҳикоялар), Ҳамди Равонийнинг ажойиб ғазаллари, Исо Нажотийнинг мукаммал лирик бадиалари Шарқ мумтоз шеъриятининг ўлмас намуналари бўлди.

Мумтоз турк адабиёти олтин даврининг йирик вакилларидан бири Меҳри Хотун бўлиб, у тахминан 1460 йилда Амасё шаҳрида дунёга келди. Меҳри Хотуннинг отаси Амасё қозиси бўлиб, етук маданиятли, ўқимишли шахс эди. Шунингдек Балоий тахаллуси билан машҳур лирик шоир ҳам эди. Балоий қизи Меҳрини ҳар томонлама чуқур билимли этиб етиштиришга жаҳду жадал қилди. Нимаики билса; барчасини қизига сингдиришга интилди. Бадиий табъ соҳибаси бўлмиш Меҳри лирик сознинг илк таълимини отасидан ўрганди. Эҳшушини таниб, Шарқнинг улуғ даҳо шоирлари асарларини қунт билан ўқиб, ўқди. Айниқса, у Алишер Навоий ижодини зўр ҳавас билан ўрганди. Ундан жуда кучли таъсирланди. Балоғат ёшига етганда замонасининг етукли шоираси сифатида танилди. Ўша даврда Амасё вилоятининг ҳокими Баёзид IIнинг ўғли валиаҳд шаҳзода Аҳмаднинг ашъор мажлиси (тўғараги)да фаол иштирок этди.

Маълумки, Жалолиддин Румийдан бошлаб Турк адабиётида сўфиёна маслак ғоялари дунёвий адабиётнинг қон-қонига сингишиб, улар бир-бирини тўлдириб, мужассам инсонпарварлик мафкурасини ташкил этди. Албатта, ўз даврининг фарзанди бўлмиш Меҳри Хотун ижоди ҳам мана шундай маънавий жараёнда шаклланди. Унинг ғазал, мураббаъ, муҳаммас ва муфрадотларида бу маънавий мазмун ўзининг тўла ифодасини топди.

Шоирининг лирик бадиаларида жўшқин одамий муҳаббат мавзлари сўфиёна ишқ билан қоришиб, одам қалбини ларзага келтирувчи сержозиба тароналар касб этди. Шунинг учун ҳам Меҳри Хотун ашъори тириклигидаёқ бадиий табъ эгаларини ўзига ром қилди. Эларо машҳур ва мансуб бўлди.

Меҳри Хотун ўз ашъорини «Девон» ҳолига келтирди. Унинг «Девон»и жуда кўп нусҳаларда кўчирилиб, мамлакатга тарқалди. Меҳри Хотун 1516 йилда Амасёда вафот этди.

Қуйида шоира ижодидан намуналар ўқийсиз.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

МЕҲРИ

ҒАЗАЛЛАР

Зулфи мушкинг анбари бўйнима солубдур каманд,
Дўстон, лозимдурур, девоная албатта банд.
Илми ҳозиқлиқда бир юлдуз эрур чашминг санинг,
Кўрса Хоруд ила Моруди бўлурди анга банд.
Руҳларинг дил шоҳини мот айлади бир раъб ила,
Кўзларинг жон фарзина сурмак дагул, сурмак саманд.
Куллий мин ўртая қўйиб ўзалмиш лаълинга,
Инчуниким чорсулар ичра бардор ўлди қанд.
Гарчи чўқ сайр айладим боғу чаман, саҳроларин,
Рости, қаддинг киби ҳеч кўрмадим сарви баланд.
Хўбларинг тинғу яросидун юзимдур заъфарон,
Тўғрасалар синами гар реза-реза, банд-банд.
Дардила ким йўлларинга душдигим дилбарларинг,
Дер кўран ҳайди балокашдур бу Меҳри дардманд.

* * *

На жафо айлади, кўр, чарх бизим жонимиза,
Ҳасрат этди бизи ҳар суюк ёронимиза.
Рўзгорки, бир умр вафосин кўрмадим,
Вордиғинча у бизним, оҳ, бўлади қонимиза
Қани ул айшу нишрат, қани ул чангу рубоб,
Оҳ, ҳар дамда салом ўлсун у давронимиза.
Кўрмадим бир дами ёрон юзини оҳ, агар,
Епишар бир куни ажал дасти гирибонимиза.
Коримиз этди фалак булбулваш зору фиғон,
Ҳасрат эдали бизи бу гули хонадонимиза.
На гуноҳ этдик ўйла чархи ситамкора ажаб,
Ки бизи ғайр этди ул доимо жононимиза.
Унутур эса бизни дўстлар, унутсин, Меҳри
Ҳоло биз туралим аҳд ила иймонимиза.

МУРАББАЪ

Кўрмадим сандин карам, эй бевафо дилдор, ҳей,
Бўлмадинг бир кун бу бир бечора ила ёр, ҳей.
Айладинг жабр ила оламда бани безор, ҳей,
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей.
Войким, бир дам бани ҳажрингда бемор этмадинг,
Раҳм эдуб бир банга лутф ила тиймор этмадинг,
Мудданийнинг сўзини уйдинг, бани ёр этмадинг,
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей.
Гулшани ҳусниигда булбул киби нолон айладим,
Дагмадим бир ғунчага бу неча афғон айладим,
Оқибат неча жафода бағримни қон айладим,
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей.
Уйдинг ағёра, баним-ла бир нафас ёр ўлмадинг,
Йўлинга бунча замондир жон вердим билмадинг,
Домони васлингга букун қонли ёшим солмадинг,
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей.
Жон ичида сақладим меҳринг «алиф» киби сенинг,
Кетмади билмам надур журмим санга бандин кининг,
Ёгудекким бўлмади шамдек чароғи оининг,
Эй, жафожў ёр, сандин доди келдим, дод ҳей!
Ёлвориб бек узр ила жоним дедикчи бир санга,
Чилм ила юзинг чевурдинг ҳамон бандин нега?
Лутфинги ағёра айлардинг, равон жабринг банга
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей!
Зор эдим ишқинг йўлинда банки жон версайин,
Ўлмиш эдим остонанг банди, санга чокари,
Бўлса мундоқ эмди санга Меҳри киби муштари,
Эй, жафожў ёр, сандин дода келдим, дод ҳей!
Туркчадан М. ЗОКИРОВ ўгирган.

• Хотира •

ОЧИЛ АКАНИ ЭСЛАБ...

БУ ВОҚЕА бундан 15 йиллар аввал бўлиб ўтган эди. Ҳар йили Биринчи майни жамоамиз билан тоғ бағрида нишонлашга одатлангандик. Меҳнаткашлар намойишини ўтказардик-да, қозон-товоқ, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб Ангрен тоғигами, Бўстонлиқ, Чимён ёки Оқтошгами равона бўлардик. Шишадек тиниқ сувлару баҳмалдек товланиб ётган тоғ бағридаги майсазорларда ҳордиқ чиқаришга не етсин?!

Бир йили тўққа бориш режасини тузаётган эдик. Ҳамкасб Азимбой Шойбеков шундай луқма ташлади: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ..» Ростда, қишлоғимизнинг қоқ ўртасидаги оролни эслатувчи ГЭС шаршараси ёҳуд мактабимиздан атиги бир чақирим ҳам келмайдиган Оҳангарон дарёси билан Қорасув канали ўртасидаги яшил ўрмонзор қайси тоғ манзарасидан кам?! Тошкентдай азим жойдан шаҳарликлар бу ерларга келиб, мириқиб дам олиб, балиқхўрлик қилишсаю бизлар оёғимиз тагидаги ҳушманзара жойларни назарписанд қилмай, қимматли вақтимизни кетказиб тоққа қараб чопиб юрсак?

Бу луқма баҳона бўлиб, ўша йили ўқитувчилар ГЭС шаршарасига — қалин дарахтлар соясига тўпландик. Оролни эслатувчи бу жой баҳор келиши билан бирам гўзаллашибдики!.. «Маргуненко» каналини тўлдириб оқаётган сув ГЭСга яқинлашгач, иккига бўлинади: ўнг томондагиси кучли генераторни ҳаракатлантиради, чап томондагиси эса темир дарвозадан ўтиб, кучли шаршара ҳосил қилади. Сўнгра бу сувлар ўзаро бирлашиб, қишлоқлар оралаб ноҳия хўжаликларининг экинзорларию боғу роғлари томон равона бўлади...

Оролдаги канал ёқасига— дарахтларнинг қуюқ соясига катта давра қурдик. Одатга кўра даврабоши — мактаб директори Абдураҳмон Қодиров ҳаммамизни байрам билан муборакбод этиб, ҳар ким ўз ҳунари билан даврани ҳушнуд этиши лозимлигини билдирди. Бошлиғининг айтгани биз учун вожиб: кимдир созда мусиқа чалди, биров қўшиқ куйлади, кимдир шеър ўқиди, биров лапар айтди, кимдир ичакузди латифа тўқиди...

— Баҳор — гўзал фасл. Айни пайтда у уйғониш, ривожланиш ва амал фасли ҳамдир,— деганди ўшанда Очил ака.— Шу айёмда даврамиз иштирокчиларидан қайси биримиз бундан кейин ўғил кўрсак, исмини Наврўзбек, қиз бўлса Наврўзгул қўяйлик. Бу шаршарадаги қувончли онларимиздан бир умрлик ёдгорлик бўлиб қолсин деб, янги ёзган шеърларидан ўқиб берди...

Бир куни илмий мудиримиз Очил Холтўраев каминани қабулига чорлаб: «Расулматов қишки сессияга кетди. Унинг дарсларини маъмурият сенга топширди»,— деб қолди.

Шу куниёқ иш бошладим. Биринчи дарсим — IV-«А» синфда она тили экан. Болаларга янги мавзуни тушунтирдим, мисолларни тахтага ёзиб, кўчириб олишларини ўқитирдим. Бу синфга кирмаганим учун болалар билан таниша бошладим. Журналдан исми-шарифи ўқилган ўқувчи «мен» деб ўрнидан туриб-ўтиради

— Холтўраев!— десам, ўрта қаторнинг учинчи ўринидагидаги ўқувчи қўлидаги ручкаси билан парта ёнига турди-да, «Ме-е-ен» деди тўзиб.

Япалоқ юз, қўй кўзли, буғдой ранг, оқ кўйлаги устидаги қирмизи бўйинбоғи бирозгина беўхшов боғланган найнов бола жамоамиздаги кимгадир ўхшаб кетди.

Мактабимизда адаш исмшарифлар жуда кўп. Шунинг учун ундан: «Исминг нима, кимнинг ўғлисан?»— деб сўрадим.

У: «Очил Холтўраевнинг ўғлиман, отим Наврўз!»— деди.

«Наврўз... Наврўз! Очил Холтўраевнинг ўғли... Наврўзбек!..» дедиму ҳаёлимни ўша баҳор байрамидаги эзгу ниятлар чулғади.

Қаранг, орадан қанча йиллар ўтди, қанча сувлар бетўхтов оқди. Лекин неча йиллар мактабда ишлаб, дарс ўтган синфларимда бирорта Наврўзбету Наврўзгулни учратмадим. Мана, бугун қаршимда: Наврўз! Йўқ, йўқ. Очил ака баҳор айёмида орзу қилган Наврўзбек!

Ҳа, Наврўз ўз исмининг қўйилиши, унинг маъносини мазкур мақола ёки рисолалардан ўқиб, билиб олар. Лекин унинг отаси — марҳум Очил Холтўраев қандай инсон эди? Бу саволга бир ҳамкасб сифатида баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қилмоқчиман.

Очил Холтўраев қишлоғимизда, қолаверса, мактабимизда ҳалол ва покиза меҳнати билан ўзгаларга ибрат бўлган инсон эди. Мен унинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида узундан-узоқ маъруза ёзмоқчи эмасман, аксинча, унинг одамийлиги, очиқкўнгиллиги, ҳақиқатгўй ва адолатпарварлиги, касбдошларига меҳрибону мураббийлиги ва айни пайтда турли даврлар гурунгларда тўю-йиғинларда ўзининг мзмундор шеърлари, ичакузди аскиялари билан кўпчиликнинг олқишини қозонган оддий қишлоқ ўқитувчининг фазилатига бир баҳя тўхталмоқчиман, холос.

Очил Холтўраев 1932 йилнинг 22 мартида Оққўрғон ноҳиясининг Эски Олимкент қишлоғида деҳқон оиласида туғилиб, дастлабки билимни шу ердаги мактабдан олди. Сўнгра Тошкентдаги педагогика билим юртини, кейин эса Низомий номидаги давлат муаллимлик олий билимгоҳининг тил ва адабиёт куллиётини тугатди. Ўзи ўқиган мактабда дарс берди ва шеър ёзишни машқ қилди.

Очил ака мактабимизда 27 йил ҳам ўқитувчи, ҳам илмий мудир бўлиб ишлади. Унинг ижоди 60-йиллардан бошланди. Ранг-баранг мавзуларда битган шеърларини ноҳия, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида чоп этилди. У Ватан, она-юрт, болалар ва устозлар ҳақидаги шеърлари билан бирга ҳажвий асарлар ва достонлар ҳам ёзганди. Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари синфлар ўртасидаги баҳсларда, адабий кечаларда унинг машқларидан ҳам ифодали ўқишарди. Очил аканинг «Келди Наврўзим, келди», «Набирам», «Ўқувчимга», «Китоб», «Табиатда табиат!», «Улуғбек», «Алишер Навоий», айниқса, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги «Едгорлик», «Бунинг бари ўқ изи, ўғлим», «Ўғлимга хат», «Онанинг хати» каби шеърлари шулар жумласидандир. Ҳозиргача у кишининг, 200 дан ортиқ шеърларини ён дафтарчалари ва турли қўлёзмалардан йиғиб тўпладик.

Мактабимизда ҳамкасбларининг 50—60 ёшларини ишонолаш яхши анъанага айланган. 1982 йили Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тарих ўқитувчиси Аҳмад Ималиевнинг 60 ёшга тўлиши ва пенсияга кузатиш кечасида ҳамма қатори Очил ака ҳам Аҳмад акани муборакбод этганди. Ўша йили Наврўзада Очил ака 50 ёшга тўларди. Афсуслар бўлсинким, шафқатсиз ўлим Очил Холтўраевни 8 март куни орамиздан олиб кетди. Бу мудҳиш воқеа бу оилага жуда катта мусибат келтирди: Очил аканинг укаси — мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нурмуҳаммад, кетма-кет отаси ва онаси ҳам вафот этишди.

Мактаб жамоасининг илтимосига биноан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи, ёзувчи Тоҳир Малик ташаббуси билан 1985 йил баҳорда Ватанцев номли жамоа хўжалигида Очил Холтўраев хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Ўша даврда инсон қадру қимматига бўлган муносабатимиз анча суслашиб қолганига қарамай, кечага ташриф буюрган ёзувчи ва шоирлар, ўқувчи ва ўқитувчилар, ноҳия раҳбариятн вакиллари Очил Холтўраев қабрини зиёрат қилиб гуллар қўйишди, унинг оила аъзолари ҳузурида бўлишди ва биргалашиб расмга тушишди. Ноҳиядаги «Мўл ҳосил учун» рўзномасининг бир саҳифаси Очил ака хотирасига бағишланди. Оддий қишлоқ ўқитувчиси, эл-юрт орасида «Шоир бола» деб ном олган Очил акани эслаш кечасига тўпланган шеърият ихлосмандларини кўриб, Мақсуд Шайхзоданинг:

Умрлар бўладики,
Тириклар ўликдир,
Ўликлар бўладики,

Ўлган одам тирикдир,

деган қуйма сатрлари ёдимга тушди. Дарҳақиқат, биз кўпинча тириклигида инсон қадрига етавермаймиз. Вафотидан кейингина унинг хизматларини эслаймиз.


Ҳа, Очил ака ҳаёт бўлганида бу йил 60 баҳорни қаршиларди. Эндиликда унинг онласидаги 12 фарзандан 6 нафари (Мавлуда, Барно, Нодира, Осиё, Баҳром, Шуқур) ота изидан борганини кўрса, бирбиридан шўх-шодон 25 нафар набираси қуршовида хаста кўнгли тоғдек ўсган бўлармиди?

Мен бир касбдош сифатида 50 баҳорни ҳам кўрмай ҳаётдан кўз юмган Очил ака ва у кишининг укаси Нурмуҳаммаднинг руҳлари шод охиратлари обод бўлишини Оляо таолодан истаб қоламан.

Тилалбек МИРЗААҲМЕДОВ,
Оққўрғон ноҳиясидаги 4-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.







ЧИНОЗ районидаги «Олмазор» давлат хўжалигида олма териш мавсуми авжида. Сиз суратларда кўриб турган Бахтиёр Имомалиев (чапда) ва Муроджон Содиқовлар (ўнгда) йиғим-теримда илғорлик қилмоқдалар.

Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

Кексаликда инсон боши тез-тез ёстиққа етиб турар экан. Буни ўз ҳаётимда кўряпман. Яқинда касаллигим туфайли Тошкентдаги 16-шифохонага даволаниш учун бордим. Бу ерда чиндан ҳам ўз касбини севган, беморлар учун жон куйдирадиган назаткорлар ишлаётганлигини кўриб беҳад қувондим. Жарроҳлик бўлимида забони ширин ҳалоскорлар кўп экан. Қайси бемор билан гаплашманг, профессор Мамлакат Набиевна, доцент Тоштемир Саломов каби дўхтирларнинг моҳирлигини, беморларга эътиборли эканлигини таъкидлаб, уларга миннатдорчилик билдиради. Бунга ўзим ҳам ишонч ҳосил қилдим. Шифохонадан тузалиб чиқанимдан сўнг ана шу жонкуярлар ҳақида икки оғиз бўлса ҳам илиқ сўзимни айтай деб «Тошкент ҳақиқати»га мурожаат қилмоқдаман.

Истагим ягона. Қайси шифохонада бўлмасин, Мамлакатхон, Тоштемиржонларга ўхшаган қўли енгил, хушмуомала шифокорлар кўпаяверсин. Ҳар куни ётсам ҳам, турсам ҳам уларни дуо қиламан.

А. АҲМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

КЎЧМАНИ МАМНУН ЭТИШДИ

Куни кеча Паркент районидаги «Қўшчинор» маданият ва истироҳат боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу оромгоҳда вилоят «Латофат—92» кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят, Паркент район қўмиталари ҳамда район маданият бўлими ходимлари ташаббуси билан амалга оширилган мазкур тадбирда вилоятимизнинг шаҳар ва районларида бўлиб ўтган танловларда ғолиб чиққан қизлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Тадбирни бошқариб бораётган республика ёшлар иттифоқи мукофоти совриндори Муслим Йўлдошев қизларни саҳнага таклиф этди. Улар миллий кўринишда дид билан безатилган саҳнага ажиб бир латофат, ибо билан чиқиб келишаётганда хаёлимдан шундай фикрлар ўтди. Инсон шуниси билан ҳам инсонки, у тафаккур юритади, фикрлайди, ҳис қилади, сезади. Ҳақиқатан ҳам бугунги иқтисодий танглик, ички ва ташқи сиёсатимиздаги мураккаблик, ҳар қадамда учраши мумкин бўлган кўнгилхираликларга қарамай одамлар ҳаётга, келажакка ишониб, умид билан қарашади, яхшиликни орзу қилишади.

Тадбирни томоша қилиш учун келган йигит-қизлар, турли ёшдаги томошабинлар ҳам шундай фикрлашса ажаб эмас. Улар орасида кўпчиликни ташкил этган онахонлар-чи? Улар ҳам «Вақтимни бекор ўтказиб нима қиламан, ундан кўра 4 та нон ёпиб сотсам, 3—4 сўм пул бўлади»,— дейишмабди. Уй юмушлари, оилавий ташвишлардан ортиб, вақт топиб маданият боғига келишибди. Демак, биз тушкунлик ҳолатидан йироқмиз. Ҳаётни севамиз, унинг янада фаровон бўлишига эса биргалашиб ҳаракат қиламиз.

Кўрик-танловнинг дастлабки шартида иштирокчилар Навоий, Бобур, Нодирабегим, Машраб, Увайсий сингари машҳур классик шоирларнинг ғазалларидан ўқишди. Улар ғазалнинг вазни, мазмунини тушуниб, шоирнинг ўша даврдаги ҳолати-ю ички кечинмаларини ҳис этган ҳолда завқ билан ижро этишди.

Иккинчи шарт эса ўзбек халқининг урф-одатлари, удумлари, шунингдек, оила, миллий қадриятларга бағишланди. Қизлар ушбу шартни ҳам чуқур мушоҳада билан оқилона бажаришди.

Кўрик-танловнинг эркин мавзу бўйича бўлган шартида эса барча иштирокчилар ўз қобилиятлари, санъат бобида нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

«ЛАТОФАТ-92»

Бу шарт орқали ҳакамлар ҳаъзати ҳамда томошабинлар уларнинг янги-янги ҳислатларини англаб олишди.

Шартларнинг энг сўнгиси алла ижроси бўлди. Сир эмаски, ҳозир кўплаб келинчаклар, ёш оналар алла айтишни билишмайди. Эҳтимол, билсалар ҳам уни айтишга вақтлари етмас, асабларидан бардош бермас. Балки уй юмушлари, оила ташвишлари шунга мажбур қилар. Лекин барибир она гўдагига алла айтиши, ўз алласи орқали меҳрини, қалб қўрини бериши, унинг жажжи юрагида меҳр уйғота билиши керак. Бу эса табиийки, фарзандинг келажакда қобил, оқибатли, меҳр муҳаббатли бўлиб етишишида катта ўрин тутади. Кўрик-танлов иштирокчилари бу шартни ҳам жуда яхши уддалашди. Халқ усуллари билан айтиладиган турли аллаларни маҳорат билан ижро этишди.

Мазкур тадбирда қатнашиб, шартларни ҳар тарафлама тўлиқ ва мукаммал бажарган — Паркентдаги 26-мактаб кашшофлар етакчиси Шахноза Холназарова ғолиб деб топилиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин бўстонлиқлик Элмира Раимжоновага, учинчи ўрин эса Янгиобод шаҳридан келган Малоҳат Жўраевага насиб этди. Шунингдек Нафосат Нурматова, Насиба Насриддинова, Эътибор Нодирова, Феруза Аҳмедова, Рухсора Нодирова, Феруза Оқиловаларнинг чиқишларини ҳам томошабинлар муносиб баҳоладилар.

Паркент район ёшлар иттифоқининг биринчи котиби Гофиржон Раимшиков ўз сўзида мазкур тадбирни ташкил этиш ва ўтказишда бошчилик қилган — Ўзбекистон радиоси режиссёри Собиржон Содиқов, ҳакамлар ҳайъати аъзолари — радиожурналист Олимжон Ҳайдаров, ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси йўриқчиси Малика Бакирова, шунингдек, тадбир хомийлари бўлмиш район асалчилик давлат хўжалиги, агросаноат банки, матлубот жамияти, «Паркент» давлат хўжалиги заводи, вино заводи, нон комбинати, кооператив тайёрлов идораси ҳамда район халқ демократик партияси кенгаши аъзоларига миннатдорчилик билдирди.

Ғолибларга ёшлар иттифоқи район ҳамда вилоят қўмиталари таъсис этган мукофотлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирнинг янада серзавқ ўтишида республика мақом ижрочилари II кўрик-танловининг совриндори Майсара Имомова, «Камолот-89» кўрик-танловининг совриндори Шомаҳмуд Шораҳмедов, шунингдек вилоят «Ёшлар хандаси» танловининг ғолиби Нодир Сайдалиевларнинг ҳиссаси еамарали бўлди.

Р. УСМОНОВА.

Лирика дафтаридан

ЎҚ ТЕККАНДЕК...

Юрагимга чўғдек қадалдинг, —
Ўқ теккандек зирқирар танам.
Гапирақол, борми бир дардинг?
Ўзин менга бахш этган санам.
Тўғри келиб қўл қисишдинг сен,
Лек кулгидан нари ўтмадинг.
Меҳрим тафтин дилдан этиб ҳис
Сеҳрладинг, нари кетмадинг...
Жунун ичра айланди бошим,
Тилим лолдир — мен қолдим беун...
Унут бўлди нечада ёшим,
Шолғом янглиғ қизардим бутун.

Юрагимга чўғдек қадалдинг,
Ўқ теккандек зирқирар танам.
Ишқ жазоси шудир-да?.. Балким...
Қўй, ўлдирма, бор бўлгин, эркам!
Юрагимга чўғдек қадалдинг...

ҲАЁТ, СЕНИНГ ЎЙИНЛАРИНГ КЎП

Замон, мени ўздан бездирма,
Бир бандангни хўрлашинг етар.
Хазонрезги баргдай тўздирма,
Бир кун ҳаёт карам ҳам этар...
Дунёда мен дунё кўп кўрдим,
Лекин бахт ҳеч демади: «Ҳорма!»
Ўз нафсим чун тошга тиш ўрдим,
Ризқдан ортиқ емадим ҳарна...
Неча бора деворни сузиб —
Қисматимга ўқидим лаънат.
Кетолмадим ўзимдан ўзиб,
Бирор бир кас демади: «Раҳмат!»...
Ҳаёт, сенинг ўйинларинг кўп,
Ҳаммасига нетай, чидайман.
Ночор отдек судралтирдинг хўп,
Не қилсанг ҳам сенинг бандангман.
Ночор отдек судралтирдинг кўп...

Шамси ОДИЛ.

КЕЧИНМА

«Бош чаноғим қайтар, болажон!..»

«Маним бу дунёда
ўз айтар сўзим,
Ва ўзим сиғинар
мозорларим бор!..»
Абдулла ОРИПОВ.

БИЗ соҳибқирон Амир Темурни ўзимизга аждод билиб, унинг номини такрор-такрор айтганча, бутун оламга-да жар солиб фахрланамиз. Жаҳонгирнинг шуҳратини, босиб ўтган шавкатли йўлини ўзимизга-да бўйлашдан тортинмаймиз гоҳо. Ҳар гал шу ҳақда фикр юритганимда **«Амир Темур номини айтишга, у билан фахрланишга ҳақлимизми?»** деган ўйга бораман.

Мени бир нарса сира тинч қўймайди: «Бунчалар манманлигу кибру ҳавони қаердан ўрганганмиз? Аждодлар билан фахрланишга арзигулик авлодмизми ўзи? Уларга муносиб қандай амалларимиз борки, мен «фалон жаҳонгир алломанинг авлодиман дея кўкрак керамиз?..»

Яқинда бир зиёли ўзи яшайдиган маҳаллага Маҳмуд Кошғарий номи берилишида ёрдам кўрсатишимни сўради. «Маҳмуд Кошғарийнинг қабри қаерда, қандай аҳволда?» деган саволимга эса индамай елка қисди.

Олимнамо бошқа бир ташаббускор эса «Амир Темур номини қачон абадийлаштирасизлар?» деб дағдаға билан келганди. Унга: «Домла, нуфузли одамлардансиз, соҳибқироннинг номини эмас, табаррук бошини қайтариш ҳаракатига қўл урсангиз кўпроқ савоб эмасми?» дедим. Бу иш унинг «компетенцияси»га кирмас экан. Аммо Темурга авлодлик даъвосини қилади...

Менинг ҳеч кимдан бу борада гинам йўқ. Аввало ўзимдан ранжишим керак. Ҳа, ҳар биримиз ўзимиздан гина қилишимиз лозим...

Шу ҳақда ўйлар экан-ман юрагимни қандайдир алам, ўкинч, армон ғижимлайди.

Қай ерга қўймайин мен оёғимни
Бир нигроқ сас келиб, бағримга ботар.
Қандай яширайин юрак доғимни
Ҳар одим замнида бир туркий ётар.
Сиғинар мақбара — мозорим бисёр,
Дилда гоҳ ғурурим, гоҳ дардим ортар.
Қабрлар саноқсиз: мингтида шунқор,
Бирида ялавоч аждодим ётар!..
... Самарқанд! Бу қадим юртни
билмас ким,
Заминнинг сайқали муқаддас шаҳар.
Унга интилади илҳақ юрагим,
Аммо оёқларим четлаб ўтишар —
Маржондек тизганча алам ёшини
Узоқдан боқаман — дод дегум келур:
Гўё тик турару гўрдан,
Бошининг —
Ўрнини пайпаслар жаҳонгир Темур!
Қайдандир қалбимга бир сас урилар!
(Ҳеч сўз бунча ваҳшат сололмаганди):
«—О, болам, бу бошни не-не ғанимлар
Не-не шамширларда ололмаганди.
Мен сенинг шуҳратли бўлмоғинг учун
Қиличга рўбарў тургандим у он.
Қилган хизматимга розиман бу кун
Фақат бош чаноғим қайтар, болажон!»
... Сиғинар мозору манзилим бисёр,
Дилда гоҳ ғурурим, гоҳ ўкинч ортар.
Бошининг ўрнини қучганча ночор
Жаҳонгир аждодим умидвор ётар!..

Дилмурод САЙИДОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАРДАН

«БАРЧАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?»

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 21 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан танқидий мақола эълон қилинган эди. Мазкур мақола юзасидан яна бир жавоб олинди. Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари А. Жўраев имзо чеккан мактубда жумладан шундай дейилади:

«Танқидий мақола Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ва бўлимлари раҳбарлари томонидан ўрганиб чиқилди. Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистоннинг Давлат тили тўғрисида»ги қонунини бажариш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, ИИБда давлат тилини ўрганиш гуруҳлари ташкил қилинди, бошқарма ва бўлимларда бир қанча иш ҳужжатлари давлат тилида олиб борилмоқда.

Мажлислар, йиғилишлар ва бошқа йиғинлар ҳам аксарият давлат тилида ўтказилмоқда. Ёзув машинкаларининг маълум қисми давлат тилига мослаштирилди.

Бу йўналишда ишлар давом эттирилмоқда».

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МАҲАЛЛАДА ТУНГИ СОҚЧИЛАР

Янгийўл районининг Убай Мусаев номли қишлоқ шўросига қарашли Ш. Далабоев маҳалласида жамоатчилик асосида тунги соқчилик ташкил этилди. Бу билан кечаси аҳолининг тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаш йўлга қўйилди, дейиш мумкин. Ўғирлик ҳам камайди.

Кўпчилик манфаатини кўзлаб қилинган бу хайрли ишда Ҳ. Абдужалилов, С. Далабоев, М. Саидвалиева сингари эл жонкуярлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Х. МИРЗАЕВ.

БИЛДИРУВЛАР

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108$^{1/32}$, 70×108$^{1/32}$, 84×108$^{1/16}$, 70×108$^{1/16}$;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открыткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90—120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:
тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қлише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

БУҒДОЙ ВА ПИЧАН УРИМИ ВАҚТИДА ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Қишлоқ жойларидаги жамоа хўжаликларида ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш уларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Буғдой бошоқлари пишиб етилиши билан буғдойзорлар атрофи шудгорлаб қўйилиши керак. Айниқса, автомобиль йўллари ёқасидаги буғдойзорларни 4 метр кенгликда шудгорлаш зарур.

Буғдой ўрилаётган пайтда буғдойзорларни комбайн бир кунда қанча ўришига қараб, бўлакларга бўлиб қўйиш керак. Бўлаклар орасини ўриб ажратиш, ҳамда 4 метр кенгликда шудгорлаб қўйиш лозим.

Хашак йиғадиган транспортлар ҳамда комбайн подшипниклари ўз вақтида ўраліб қолган хас-хашаклардан тозаланиб туриши керак.

ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

— буғдой ўрими вақтида сомон қолдиқларини, ўримдан қолган бошоқлар қолдиқларини ёқиб юбориш;

— дала шийпонларида, бошоқ тозалаш хирмонларида, сомон гарамлари яқинида ва ҳосилни ташиш вақтида чекиш (чекиш фақат махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда рухсат этилади);

— хирмон олдида ишлаб турган техника ва мосламаларни қаровсиз қолдириш;

— буғдой омборларида бегона жиҳозлар ва буюмларни сақлаш;

— электр тақсимлаш шкафларида қўлбола ўтказгичлардан фойдаланиш;

БУҒДОЙ ВА ХАШАК УРИМИ ВАҚТИДА ЕНҒИН РУЙ БЕРГУДЕК БЎЛСА, БУ ҲАҚДА ДАРҲОЛ ЎТ ЎЧИРИШ ҚИСМИГА ХАБАР ҚИЛИНГ:

— ўт ўчирувчилар келгунига қадар бирламчи ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга киришиш керак;

— ёнғин ичида одамлар ёки техника қолган бўлса уларни биринчи навбатда қутқариш керак;

— ёнғин чиққан жой атрофи тездан шудгорланиши зарур.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилсангиз сизнинг жамоа хўжалигингизда ёки корхонангизда ёнғин чиқишини олдини олган бўласиз.

Ёнғинни олдини олиш бўйича пайдо бўлган муаммоларни ечиш учун Давлат ёнғиндан сақлаш назоратининг район бўлимларига ёки ёнғиндан сақлаш қўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЕНҒИНДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ.

2141-маркали «Москвич» енгил машинасининг, енгил шикастланган кузовини

СОТАМАН

35-08-95 телефонига мурожаат қилинсин.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49, Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г—220. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.40. 31646 нусха босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12